2013 йил 20 декабрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 243 (12.554)

Баҳоси эркин нархда

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**2013 йил 19 декабрь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги кунда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхондарё вилоятида ҳам эътиборга лойиқ катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда, деб таъкидлади Ислом Каримов. Кейинги йилларда барпо этилган замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари, ижтимоий соҳа объектларини – янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканларини кўрганда, бу кўҳна ва бетакрор замин янада гўзал ва обод бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз. Вилоятда 2013 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қурилиш ишлари қарийб 11 фоизга, пуллик хизматлар 18,5 фоизга ўсди.

Вилоятда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш мақсадида 2005-2013 йиллар мобайнида барча манбалар ҳисобидан 2 миллиард 877 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Н.Чориев Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Эшдавлат Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзиқул Соатов, Термиз давлат университети ўқитувчилари Ғайрат Расулов ва Гулнора Алиматова, Шеробод туманидаги «Абраев Эшбой» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Тўрамурод Абраев ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни «Ҳайратон» чегара мажмуасига ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди.

**А.САМАДОВ,**
**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## ЁШЛАР — АРМИЯМИЗ КЕЛАЖАГИ

***Тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган, барқарорлик ва фаровонлик қарор топган Ватан ҳар бир инсон учун энг улуғ неъматдир. Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини эса ихчам, тезкор ва ҳар томонлама замонавий тайёргарликка эга Қуролли Кучларсиз таъминлаб бўлмайди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакатимиз Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимизни изчил ислоҳ этиш давомида мутлақо янги ташкилий-штат тузилмаси, ҳарбий бошқарув тизими, турли қўшинларни мувофиқлаштириш ва биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш механизми шакллантирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини тубдан яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Кенг ва чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал савияси етук, замонавий ҳарбий техника ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган ёш кадрларни тайёрлаш бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ҳарбий академик лицейларда таълим жараёни самарадорлигини юксалтиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилди, ушбу таълим муассасаларини янада ривожлантиришга кўмаклашадиган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан мамлакатимиздаги тўртта ҳарбий академик лицей ўз кўрсаткичларини сезиларли равишда яхшилади. Тошкент ҳарбий-телекоммуникациялар академик лицейи шулар жумласидандир.

– Бизнинг муассасада ўқувчиларга касбга йўналтирилган чуқур билим берилмоқда, – дейди Тошкент ҳарбий-телекоммуникациялар академик лицейи директорининг ўринбосари С.Муҳиддинова. – Ўқув жараёни ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан узвий боғлиқ.

Таълим жараёни илғор педагогика ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, ҳарбий билим асосларини эгаллаш ва ўқишни олий ҳарбий таълим ва бошқа олий ўқув муассасаларида давом эттиришга қаратилган режа ва дастурлар асосида ташкил этилган. Академик лицейда аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар ва ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

Лицей битирувчилари ҳар йили олий ўқув юртлари, жумладан, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда яхши натижаларга эришмоқда. Бунда, шубҳасиз, академик лицейнинг ўттиздан зиёд юқори малакали ўқитувчидан иборат педагоглар жамоасининг хизмати катта. Шунингдек, лицей ўқув жараёнига олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари жалб этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқувчиларнинг интеллектуал ва маънавий савияси етуклиги, масъулиятли ва интизомлилиги эътиборга лойиқдир. Бу бежиз эмас. Чунки, улар истиқлол ва демократия ғояларига садоқат, юксак фуқаролик позицияси, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланмоқда. Лицей кун тартибига мувофиқ ўқувчиларга ҳарбий тартиб-интизом сингдириб борилади. Бу ерда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва бир-бирига ёрдам бериш муҳити шаклланган.

Ўқувчилар дарсдан бўш пайтида турли фан тўгаракларида шуғулланади. Машғулотларнинг аксарияти инглиз тилида олиб борилади. Лицейда 14 мингдан зиёд номдаги дарслик, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлардан иборат ахборот-ресурс маркази, замонавий тарзда жиҳозланган компьютер хонаси мавжуд. Бу эса ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини бойитиш, уларни мустақил фикрлайдиган ва кенг дунёқарашга эга, ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялашга кўмаклашмоқда.

Лицейда енгил атлетика, қўл жанги каби олти спорт секциясида жисмоний тайёргарлик ошириб борилади. Лицей ўқувчилари мамлакатимиз ҳарбий-академик лицейлари ўртасида ўтказиладиган «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт мусобқаларида уч йилдан буён ғолибликни ҳеч кимга бермай келмоқда. Уларнинг мураббийлари ўқувчилари орасида кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги мусобақалар ғолиб ва совриндорлари борлигидан фахрланади.

Масалан, лицей ўқувчиси Х.Қодиров қўл жанги бўйича олти карра Ўзбекистон чемпиони, кўплаб халқаро беллашувлар ғолибидир.

– Танлаган мутахассислигимиз бўйича чуқур билим олиш ва спорт билан шуғулланиш учун бу ерда яратилган қулай шароитлар бундай юксак натижаларга эришишимизга ёрдам бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига Х.Қодиров. – Биз, ёшлар фуқаро ва етук касб эгаси сифатида шаклланишимиз учун кенг имконият ва шароитлар яратиб бераётгани учун Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдормиз.

Тошкент ҳарбий-телекоммуникациялар академик лицейида маънан етук, жисмоний бақувват ва интеллектуал салоҳияти юксак бўлган ёш авлод тарбияланмоқда. Айнан шундай ёшлар – ушбу ва бошқа ҳарбий-академик лицейлар битирувчилари Қуролли Кучларимиз сафини тўлдирмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик бундан буён ҳам ишончли қўлларда бўлишига ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

**Бобур ОБИДОВ**

## ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯНГИ ЛОЙИҲА

***Тошкентда Европа Иттифоқининг «Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури – Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир. Улар соғлом рақобатни шакллантириш имконини беради, бозор конъюнктурасига тез мослашиб, уни сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Ю.Штерк, «European Profiles S.A.» компанияси бош директори Д.Баколас, Европа Иттифоқининг «Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури – Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси раҳбари Г.Контзоглу ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлади. Хусусан, миллий қонунчилигимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик субъектлари фаолиятига аралашмаслик кафолатлари мустаҳкамланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий секторнинг фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, соҳани ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, бир қанча турдаги статистика, солиқ ва бошқа ҳисоботлар бекор қилинди, уларнинг сони қисқартирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун юқори малакали мутахассислар, менежерлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва бу борада илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан ушбу мақсадларга қаратилган ва 2016 йилнинг августига қадар давом этадиган «Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури – Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Лойиҳа доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун менежер ҳамда экспертларни ўқитиш, Европа Иттифоқи мамлакатларида уларнинг малакасини оширишга доир қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, «Мураббийлар учун тренинг» дастури асосида штатдан ташқари мураббийлар ва маслаҳатчилар малакасини ошириш бўйича тренинглар ҳамда семинарлар ўтказилади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Қашқадарёда «Юрт келажаги» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 175 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этди.**

● **Бухорода «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида 18 нафар ҳунармандга умумий миқдорда 95 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.**

● **Навоий шаҳрида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Энг яхши электрон ахборот-таълим ресурслари» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган иштирокчилар ўзларининг дастурий ишланма ва электрон қўлланмаларини намойиш этишди. Тадбирда фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчиларга махсус сертификатлар топширилди.**

● **Боғот туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган «Толиб-Акмал» фермер хўжалиги раҳбари Хушнуд Ражабов ташаббуси билан гўшт ва сутни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линиялар ишга туширилди. Бунинг учун 320 миллион сўм йўналтирилди. Натижада кунига 500 литр сут ва 2 тонна гўштни қайта ишлаш қуввати яратилиб, 12 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.**

● **Нурота туманида Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлигида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 295 миллион сўм сарфланди. Ҳозир мажмуада гўзаллик ва тўй либослари салони, компьютер ҳамда тикувчилик хоналари, маиший техника устахоналари ишлаб турибди.**

### ЖАҲОНДА

● **Франциянинг SNCF ва Испаниянинг Renfe темир йўл компанияларининг ҳамкорликдаги лойиҳаларининг самараси ўлароқ Франция пойтахти Париждан Испаниянинг Барселона шаҳрига тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда ҳар иккала шаҳар ўртасидаги масофани олти ярим соат ичида босиб ўтиш мумкин. Тезюрар поездлар кунига бештадан қатновни амалга оширади.**

● **Samsung компанияси Жанубий Кореяда ўтказилган суд жараёнида Apple корпорациясига ютқазиб қўйди. Яъни, Жанубий Корея суди Apple Samsung компаниясининг патентларини бузмаётганлиги ҳақида қарор чиқарди. Бу Samsungнинг АҚШ ва Японияни ҳам инобатга олган ҳолда жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларидаги ўз рақобатчилари билан патент борасидаги кўп миллиардли можаролар бўйича навбатдаги мағлубиятидир.**

● **Бразилияда футбол бўйича 2014 йилги жаҳон чемпионати беллашувлари учун тайёрланган тўпнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Brazuca номини олган ушбу тўпни тайёрлаган фирманинг ваъдасига кўра, худди шундай тўплар чемпионат беллашувлари ўтказиладиган Бразилиянинг ўн иккита шаҳрида тақдимот ўтказилган кунда туғилган барча болаларга совға қилинади.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Суғурта: тажриба, амалиёт ва мажбурият уйғунлигини таъминлаш масалалари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Ватанпарвар» ташкилоти «Учтепа ЎСТК» нодавлат таълим муассасасида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан тадбир ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманида жойлашган Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида «Қутуриш касаллигининг олдини олишда тегишли хизматларнинг вазифалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтади.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

***Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида муносиб ҳаёт, обод турмуш тарзини тарғиб этишда ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини оширишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, маънавият-маърифат соҳаси мутахассислари, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнларида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган таълим-тарбия, илм-маърифат, маданият ва санъат масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатаётган мутахассислар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга оид тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув предмети, «Маънавият соатлари» дарслари жорий этилгани ёшларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш, уларни соғлом ва мустақил фикрли шахслар этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мустақиллигимизнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, унинг келажагига дахлдорлик туйғуларини чуқур сингдиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар самарасида йигит-қизларимиз таълим, фан, спорт, маданият, санъат каби соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида илм-фан йўналишининг ўзида 344 нафар йигит-қиз халқаро олимпиадалар ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги тезкор глобаллашув жараёнида ёшлар онгини турли кучларнинг ғаразли ахборотлари, «оммавий маданият» таъсирларидан ҳимоя қилиш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маънавият-маърифат, маданият масканлари ҳамкорлигини ривожлантириш даврнинг муҳим талабидир.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан бу борадаги вазифаларни ҳаётга изчил, тизимли ва самарали татбиқ этиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари билан ҳамкорликда кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Маънавият-маърифат соҳаси мутахассисларининг касб малака ва маҳоратини ошириш мақсадида мунтазам семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва бошқа анжуманлар ташкил этилаётир.

– Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Шоҳруҳ Абдурасулов. – Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан, Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришга фаол ҳисса қўшиш биз, ёшларнинг муқаддас бурчимиздир.

Анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Соғлом бола йилининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги аҳамияти, ёшларнинг фаоллигини оширишда эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларнинг фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА**

2014 йил — Соғлом бола йили

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА МУШТАРАК РЕЖАЛАР

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, кенг жамоатчилик зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклайди.***

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда мазкур олий ўқув юрти, унинг педагогик жамоаси, талаба-ёшлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшлар, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, ёш авлодни мустақил ва соғлом тафаккурли, юксак маънавиятли шахслар этиб вояга етказиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда барпо этилаётган таълим-тарбия, спорт-соғломлаштириш муассасалари, тиббиёт, бадиий ижодиёт марказлари янгича дунёқарашга эга авлодни тарбиялаш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари саломатлигига ғамхўрлик ва эътиборни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кириб келаётган янги – 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши халқимизнинг азалий орзу-интилишлари, эзгу мақсад-муддаоларига ҳамоҳангдир.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабаларнинг саломатлигини доимий назорат қилиш, уларни соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Университетда ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари соғлом турмуш тарзи, тиббий маданият, экологик саводхонлик ғояларини мактаблар, коллеж ва лицейлар, маҳаллаларда кенг тарғиб этишда фаол иштирок этмоқда. Шифокорлар иштирокида ўтказилаётган турли мавзулардаги давра суҳбатлари, мулоқот ва учрашувлар талаба-ёшларнинг билимини янада кенгайтириш, ўз соғлиғига бўлган масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда ушбу Қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори талабларининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Унда мавжуд уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини талаб даражасида тутиб туриш мақсадида, шу кун ҳолатига кўра шаҳарда 2325 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, 206 та бошқарув компаниялари фаолият юритиб келаётганлиги таъкидланди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг асосий қисмига бошқарув ва сервис компаниялари шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда. Бу компаниялар «Дамас» автомашиналари, махсус чиқинди ташиш техникалари, трактор ва тиркамалар билан таъминлаб келинмоқда.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан белгилаб олинган ҳудудий Дастурларга мувофиқ муаммоли кўп қаватли уйларнинг муҳандислик тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу кун ҳолатига кўра, аҳоли истиқомат қиладиган тўрт юзга яқин кўп қаватли уй-жойлар тўлиқ таъмирдан чиқарилган.

Бундан ташқари кўп қаватли уйларда иссиқлик бўғинларини профилактик таъмирлаш, иссиқлик тизимларини босим остида ювиш, иссиқлик бўғинларига торайтирувчи мосламалар ўрнатиш, кўзда тутилган томларда жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Комиссия йиғилишида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда кўп қаватли уй-жойларни биргаликда бошқариш, уни сақлаш, асраш ва таъмирлаш ишларини жадаллаштириш, ночор фаолият кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ўрганиш, самарали фаолият кўрсатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни намунавий ширкатлар даражасига етказиш чораларини кўриш лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан белгилаб олинган ҳудудий Дастурлар ижроси ҳамда ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган салбий ҳолатларни ўрганиш тавсия этилди.

Бундан ташқари йиғилишда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти ҳамда 2013-2014 йиллардаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда соҳага оид мавжуд муаммоларни амалдаги қонун талаблари асосида ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Д.Аюпов, М.Қосимов, У.Шоймкулов, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раисининг ўринбосари И.Кличхонов, Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари А.Тўраев, бошқарув сервис компаниялари, ширкатлар раислари ҳамда туман коммунал таъмирлаш ва аварияни тиклаш хизмати раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Тоҳир Исҳатов (ЎзА) олган сурат

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлашда маълумот-компьютер технологияларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

# БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯГОНА МАЪЛУМОТ ТИЗИМИ

Мазкур тадбир Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири А.Ҳаитов ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугун барча соҳаларда АКТ кенг жорий қилинмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги БМТ Тараққиёт дастури билан бирга «Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси доирасида бир қатор ишларни амалга оширди. «Меҳнат бозори» ягона маълумот тизими, labor.uz бўш иш ўринларини топиш ва кадрларни жойлаштириш, он-лайн излаш тизими ҳамда вазирликнинг mehnat.uz веб-сайти орқали тақдим этилган Ўзбекистондаги ижтимоий хизматларнинг интерактив харитаси каби бир қатор дастурлар ишлаб чиқилди.

«Меҳнат бозори» ягона маълумот тизимининг вазифаси – Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилишдаги фаолиятини автоматлаштиради. Мазкур дастурий маҳсулотнинг яна бир жиҳати шундаки, вазирликка 193 та туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолиятини мониторинг қилиш, реал вақтда ҳисобот ва статистик маълумотларни олиш имконини беради.

Иш ўринлари ва мутахассис кадрлар маълумотларини жойлаштириш ҳамда қидириш онлайн тизими иш қидираётган фуқаролар ва бўш иш ўринлари мавжуд бўлган иш берувчилар ўртасида алоқани йўлга қўяди. Бўш ва заҳираланган иш ўринлари, шунингдек, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан жамланган иш қидирувчилар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиб, ҳар ойда янгилаб борилади. Ҳозирги кунда тизимда 74 мингдан зиёд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар ва иш қидирувчиларнинг 43 мингдан ортиқ резюмелари жамланган.

Вазирлик веб-сайтининг махсус бўлимида ижтимоий хизматларнинг интерфаол харитаси ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланиш учун маълумотларни тезда топишдан иборат. Унинг базасида вазирлик тизимида ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан бирга Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда жамланган 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Фойдаланувчилар уларнинг хизматлари сифати тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини қолдиришлари мумкин...

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Абдуалим САЛИМОВ**

Анжуманлар

# АХБОРОТ АСРИДА ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда «Ахборот асрида ёшлар дунёқараши: назария ва амалиёт» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.***

Бугунги глобаллашув жараёнида ёшлар онги ва дунёқараши мавзуига долзарб масалалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Чунки ёшлар онгига таъсир қилиш орқали миллатни маънавий синдириш, миллий маданиятга нисбатан лоқайдлик, ахлоқий бузиш, глобал муаммога айланиб бораётган иллатларни кучайтиришга йўналтирилган ахборот тизимлари кескин тус олиб бормоқда. Анжуманда ахборотни сохталаштириш орқали оломон, хусусан, ёшлар психологиясини бошқарадиган ахборий макон яратувчи, уларнинг ақл-идрокини, онгини манипуляция қилувчи механизмларга атрофлича илмий тасниф берилди.

— Ахборотнинг кескин тиғизлашуви даврида ёшларнинг онгу шууридаги тасаввур ва тушунчаларни чуқурроқ тадқиқ этиш масалалари юзасидан муайян илмий-назарий концепциялар ишлаб чиқиш тадбирдан кўзланган асосий мақсадлардан биридир, — дейди сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраев. — Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилишини инобатга олсак, уларни ахборий хуружлардан ҳимоя қилишда миллий қадриятлар ва маънавий тарбиянинг ўрни беқиёс эканлиги ва бунинг нечоғлик зарурлигига яна бир карра амин бўламиз.

Тадбирда шунингдек, мафкуравий иммунитет, оммавий маданият, Интернет тармоғининг ёшлар дунёқарашига таъсири, ёшлар онгида миллий ғояни шакллантириш муаммолари, жамоатчилик назоратининг такомиллашувида ёшлар фаоллиги масалаларига оид долзарб маърузалар тингланди. Қизиқарли баҳс-мунозаралар ва марказ мутахассисларининг тегишли таклиф-тавсиялари тадбирга якун ясади.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Таълим

# МАРКАЗНИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРИ

***Республика болалар ижтимоий мослашув маркази 2007 йилда ташкил этилган.***

Бундан мақсад аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, хусусан, имконияти чекланган болаларга маънавий-моддий кўмак беришдан иборат.

Яқинда марказ ташаббуси билан давра суҳбати уюштирилди.

Марказ аъзолари, ўқитувчилар, имконияти чекланган болалар, пойтахтимиздаги мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, мураббийлар иштирокида ўтказилган тадбирда имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, инклюзив таълим асосида сабоқ олишларига, касб-ҳунар ўрганишларига имкон яратиш ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Давра суҳбати қатнашчиларининг фикрига кўра, инклюзив таълим асосида сабоқ олган болалар фанларни чуқур ўзлаштира олади, соғлом тенгдошлари билан эркин мулоқотга киришади. Бу жараён уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига замин яратади. Бундан ташқари имконияти чекланган болаларни жисмоний тарбия ва спортга ошно этишнинг керакли натижани бериши қатнашчилар томонидан яна бир карра таъкидлаб ўтилди. Чунки соғлиғи тикланган бола соғлом фикрлайди. Педагогларнинг мулоҳазаларига кўра имконияти чекланган болаларга ҳам замонавий педагогик технологиялар асосида таълим бериш, муҳими, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш жуда муҳим.

Давра суҳбати якунида қатнашчилар бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар режасини белгилаб олишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

